



Куныси Абул-Косимдир. Яминуд-Давла Аминул-Милла лакабини олган. Газнанинг ва унга тобе минтакаларнинг ҳукмдори эди. Аскарларига Сомонийлар дейилар эди. Чунки отаси уларга ҳукмдорлик килган эди. Хижратнинг 337-санасида отаси вафот этганидан сўнг Махмуд Сомонийларнинг бошига ўтди. Аскарларига ва бошқа халқ табакаларига гўзал, адолатли муомалада бўлди. Ислонинг зафари учун катта саъй-ҳаракатлар килди. Хиндистонда ва бошқа кўп жойларда буюк фатхлар килди. Шом юксалди. Юрти кенгайди. Раиятлари кўпайди. Адолати ва жиход килиши сабабли ҳукмронлик муддати узайди. Табиийки, бунга Аллохнинг лутфи ҳам кўшилган эди. Юртининг бошқа минтакаларида Кодир Биллох номидан хутба ўқилар эди. Мисрдан Фотимий элчилари унга мактублар ва хадялар келтирар эдиларки, уни ўз тарафдорлари килиб олсинлар. Аммо у келтирилган мактублар ва хадяларни ёкиб юборди. На ўзидан олдин ва на ўзидан кейин ҳеч бир ҳукмдорга насиб бўлмаган даражада Хиндистонда кофир шаҳарларидан кўпчилигини фатх этди. Саноги ва ўлчови бўлмаган даражада олтин, дур ва жавахиротларни ганимат олди. Яна кўп микдорда асир олди. Кўп бутларни синдирди. Бутлардаги зийнатларни ганимат олди. Буларнинг барчаси аввалги йиллар воқеалари баён килинганда батафсил айтиб ўтилган. У синдирган хиндларнинг бутларидан машхури бор эдики, унга Сомнан дейилар эди. Бу бутнинг устида 20 000 000 динор кийматидаги олтин зийнат бор эди. Хиндистоннинг Сайнал деган энг катта ҳукмдорини ҳам мағлуб этган эди. Мусулмон бўлмаган туркларнинг Илик Хон деган буюк хоконини ҳам мағлубиятга учратган, Сомонийлар ҳукмронлигини йикитган эди. Сомонийлар Самарканд ва унинг атрофида оламга ҳукмронлик килганлар, сўнгра халок бўлган эдилар.

Жайхун дарёси устида бир кўприк курдирдики, бошқа ҳукмдорлар ва халифалар буни

килишга кодир эмас эдилар. Бу кўприк курилишига 2 000 000 динар сарфлади. Буни бошкалар кила олмаган эдилар.

Махмуд ибн Сабуктегиннинг кўшинида 400 та жангчи фил бор эди. Бу хакикатан ҳам улкан ва дахшатли нарсадир. У ерда узок давом этадиган фаолиятлар олиб борган эди. Шу билан бирга у нихоятда диндор, покдомон киши эди, гунохлардан ва гунох килувчилардан мутлако хушламас, улар билан дўстлашмас, хатто овозларини ҳам эшитишни истамас эди. Унинг юртида ҳеч ким гунох килишга, ичкилик ичишга ва бошка ёмонликларни содир этишга журъат кила олмас эди. Ўйин-кулгилардан ва бу ишлар билан шугулланувчилардан мутлако хушламас эди. Олимларни, муҳаддисларни яхши кўрар, уларга икром қилар, улар билан бирга ўтириб турар эди. Хайр килувчи диндор ва солих кишиларни ҳам яхши кўрар, уларга эҳсон қилар эди. Аввалига ханафий эди. Сўнгра Имомул-Харамайн ва бошкаларнинг ривоятларига кўра Абу Бакр ал-Каффол ас-Сагир воситасида шофиъийликка ўтган эди. Ўзтикодда Каромийа мазҳабига мансуб эди. Мажлисига катнашувчилар орасида Муҳаммад ибн Хайсам ҳам бор эди. Муҳаммад ибн Хайсам билан Абу Бакр ибн Фурак ўртасида арш масаласи юзасидан Султон Махмуд хузурида мунозаралар бўлиб ўтган эди. Буни Ибнул-Хайсам ўз асарида баён қилган. Бу мунозаралар натижасида Султон Махмуд Ибн Хайсамнинг фикрига тарафдор бўлган, Ибн Фуракни ёқтирмаган, сўзлари сабабли унга душман бўлган, юртдан сургун қилинишини буюрган эди. Чунки Ибн Фурак Жаҳмиининг фикрига мувофиқ эди. Султон Махмуд ибн Сабуктегин одил ва катъиятли киши эди. Бир киши келиб унга шундай шикоят қилди: Султон Махмуд ибн Сабуктегиннинг синглисининг ўгли келиб унинг уйига ва оиласига доимо хужум қилади, уни уйдан чиқариб юборади, хотини билан ёлғиз қолади. Киши нима қилишни билмас эди. Бу ҳолатни масъуллардан кимга шикоят қилса, шикоят қилган масъул ҳукмдордан кўрққани учун ҳолатни ҳукмдорга айтишга журъат кила олмас эди.

Султон Махмуд ибн Сабуктегин бу масалани эшитгач, жуда газабланди. Кишига дедик: «Вой бўлсин сенга, аммо бундан кейин жияним сенинг уйингга келса, сен дарҳол югуриб менга кел, ҳолатни менга билдир. Аммо ёнимга келишинга тўскинлик қиладиган масъулларга бу ҳолатни асло айтма. Жияним кечаси бўлса ҳам уйингга келса, албатта ёнимга кел ва ҳолатни менга билдир».

Сўнгра Султон Махмуд сарой аъёнларини чақириб, уларга: «Бу одам кечаси ёки кундузи қачон ёнимга келмокчи бўлса, унга асло тўскинлик қилманглар», деди. Киши ҳам султонга дуо қилиб, хурсанд ҳолда саройдан чиқиб кетди. Бир ёки икки кеча ўтмасдан султоннинг ёш жияни яна ўша кишининг уйига хужум қилди, кишини уйдан қувиб чиқарди. Хотини билан ёлғиз қолди. Киши йиглаб саройга келди. Унга ҳукмдорнинг ухлаётганини айтишгач, киши: «Ҳукмдор кечаси ёки кундузи қачон ёнига келсам, у билан учрашимга тўскинлик қилмаслигингизни сизларга айтган эди», деганида, ҳукмдори уйготдилар. Ҳукмдор ўша киши билан бирга жияни турган жойга борди. Ёнига ҳеч кимни олмади. Ичкарига қирганларида жиянининг ўша кишининг хотини билан бир тўшакда ётганини кўрди. Тўшакнинг ёнида ёниб турган шам бор эди. Ҳукмдор шамъни ўчирди. Сўнгра келиб жиянининг бошини кесди ва кишига: «Юр, менга озгина сув келтир», деди. Киши сувни келтирди. Ҳукмдор ичди. Сўнгра кетмокчи бўлди. Киши унга шундай деди:

- Аллоҳ ҳақки айт-чи, шамъни нега ўчирдинг?

- Вой бўлсин сенга, ўлдирган одамим синглимининг ўғлидир. Уни бўғизлаётганда шамъ ёруғида бўлса ҳам кўришни истамадим.

- Хўш, нега шошилиб сув келтиришимни сўрадинг?

- Сен бу ҳолатни менга айтганингдан бери ҳақкингни бермасдан ва сенга ёрдам бермасдан овқат емасликка ва сув ичмасликка касам ичган эдим. Ҳолатни менга айтганингдан буён чанкаган эдим. Мана бу қилганимни қўрдинг. Ундан кейин сув сўрадим.

Киши унга дуо қилди. Султон Махмуд ҳам саройига қайтди. Ҳеч ким бундан хабар топмади.

Махмуд ибн Сабуктегин кайфият бузилиши касаллигига чалинди. Шу билан бирга икки йил давомида ич кетиши бўлди. Бу муддат давомида тўшакка чўзилмади. Бирор нарсасага суянмади. Жуда кучли эди. Колаверса, касаллиги каттик ва кайфияти бузилганлиги сабабли тўшакка чўзила олмас эди. Ёнига қўйилган ёстикка суянар эди. Шундай қилиб, ҳукмдорлик мажлисида ўтирар, одатдагидек халқ орасида ҳукм қилар эди. Нихоят, бу сананинг рабиъул-охир ойи тугашига етти кун қолганда, пайшанба куни олтамиш уч ёшида вафот этди. Умрининг ўттиз уч йилини ҳукмдорликда ўтказди. Қўп миқдорда бойлик қолдирди. Мероси орасида етмиш ритл (тахминан 32 кило 200 гр.) жавоҳирот бор эдики, унинг қиймати катта эди. Аллоҳ қамчиликларини афв этсин ва уни мағфират қилсин. Ундан кейин ўрнига ўғли Муҳаммад ўтди, ундан кейин эса ҳокимият бошқа ўғли Масъуднинг қўлига ўтди. Масъуд отасига ўхшар эди.

Баъзи олимлар Султон Махмуднинг ҳаёти, ҳукмдорлиги, фатхлари хусусида асарлар тасниф этганлар. [76]

Ибни Касир, "Ал-Бидоя ва-н-Нихоя" китобидан, 12-жилдидан
Профессор Абу Муслим таржимаси